



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 12 июль, чоршанба

№53 (11.238)

Эркин нархда сотилади

1991 2000

МУСТАҚИЛЛИК:
ТЎҚҚИЗИНЧИ ДОВОН

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ – МИЛЛИЙ ИФТИХОР БАЙРАМИ



10 июль куни Оқсарой қароргоҳида Ватанимиз мустақиллигининг тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Президентнинг давлат маслаҳатчилари, ҳукумат аъзолари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, зиёлилар вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Президент Имом Каримов бошқарди.

Халқимиз яқинда истиқлолимизнинг тўққиз йиллик байрамини тантанали равишда нишонлайди. Ҳозир бу табаруқ байрамга бутун мамлакатимизда қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Жойларда кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда — янги иншоотлар қуриб битказилмоқда, турфа хил маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, куни кеча пойтахтимизда ўтказилган «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» деб номланган санъат фестивали кўпчиликлари жуда манзур бўлди.

Айни пайтда мамлакатимиз раҳбари Мустақиллик байрами муносабати билан амалга оширилаётган айрим тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишларидан қоникмаётганини таъкидлади. Уларнинг аксариятида қуруқ расмийлик руҳи сезилиб туради. Энг улуғ, энг азиз байрамимизга тайёргарлик кўрилаётган пайтда устувор миллий ғояларимизни ҳиссиётга соғдириш, широбозлик, тахлилдан холи кўрсатув ва эшиттиришлар, макталлар билан обрўсизлан-

лиги унинг иқтисодий саноати, ҳарбий қудрати, аҳолисининг сони билангина ўлчанмайди. Мамлакатнинг буюклиги халқнинг руҳи, миллатининг эътиқоддаги собитлиги билан ҳам белгиланади.

Юртбошимиз ўз сўзида Мустақиллик байрами муносабати билан бошланган ишлар 1 сентябрь арафасида бошланиб, сўнг тўхтаб қолмаслиги, доимий равишда давом этиши лозимлигини уқтирди. Шу йўлда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларини таҳлил қилар экан, Президентимиз бу борадаги асосий йўналишларга йиғилиш ахлининг алоҳида эътиборини қаратди.

Аввало, мустақиллик миллатимизга, халқимизга қимматли томонидан ҳаёт этилган неъмат эмас. Уни халқимиз ўз эрксевар фарзандларининг қони эвазига қўлга киритганини янада яхшироқ тушунириб беришимиз даркор. Истиқлол, шубҳасиз, буюк неъмат. Унга барчамиз муносиб бўлишимиз ва уни кўз қорачиқидек асрашимиз, ҳимоя қилишимиз керак.

Иккинчидан, кишилик тарихида ўз истиқлолининг қадрига етмаган халқлар, эллар ва миллатлар кўп бўлган. Истиқлолни сақлаб қололмаганлар тарих саҳифаларидан бутунлай ўчиб кетганини, эркини асраб қолган миллатлар эса шавъ ва шавкатда тенгсиз юксакликларга кўтарилганини ибратли мисоллар воситасида халқимизга етказишимиз лозим.

Учинчидан, миллий давлатчилигимиз тараққиёт ва эрк учун курашган фарзандларини халқимиз янада яхшироқ билиши лозим. Улар ҳақида теран мақола-лар ёзилиши, китоблар чоп этилиши, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрланиши муҳим вазифадир. Бундай буюк аждодларимиз фарзандларимизга яхшироқ танитишни янги йўللари излашимиз керак. Токи ўқитувчи: «Мана, болалар, боболаримиз қандай буюк инсонлар бўлишган», деб фахр билан айта олинсин.

Тўртинчидан, мустақиллик Ватанимизга нималар берди, халқимиз учун қандай янги имкониятлар очди каби саволларнинг жавобларини аниқ ва тушунарли кўрсатиб беришимиз даркор. Мустақиллик туфайли

мамлакатимизда эришилган бекиёс ютуқларини тарғиб-ташвиқ қилиш шунинг воситаларидан биридир. Айни чоғда, биз фақат мустақиллик туфайлигина ўз заминимизга, эркимизга, муқаддас динимизга қайта эга бўлидик. Қолаверса, бизни фақат мустақилликдан кейингина дунё таниди, тўла тан олди.

Бешинчидан, мустақиллигимизга бугун қиммат ва нималар таҳдид соллапти, деган саволнинг жавобини ҳам тўла аниқлаб олишимиз керак. Зотан, асосий, кўзга кўринмас хавф ўзимизнинг ички-ишларимизга, ахлининг аксарият ҳолларда сезмаймиш. Унинг номи маҳаллийчилик, уруғчилик, баъзан бировнинг ютуқларини кўрломаслик каби иллатлардир. Самарқанду Хоразмнинг бетакор ёдгорлиқларини, Нурота тоғларида қўйлаётган бахшиларни, Сурхоннинг ажиб шаршараларини, Фарғона водийсига Тошкент боғларини, қорақалпоқ ўланларини Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси: «Шуларнинг ҳаммаси — бизники!» деб фахр билан айта оладиган даражага етганимизда биз бир бутун ва энгилмас миллат, халқ бўлидик, деб айта оламиз.

Олтинчидан, миллий гуруҳ, миллий ифтихор туйғуларини одамлар қалбига синдиришни янги-янча йўл ва усуллари, тарғибот механизмни топиш лозим. Қуруқ расмийчилик билан энг эзгу ғояларни ҳам обрўсизлантириб қўйишимиз, қутилган натижага эмас, унинг аксига эга бўлишимиз мумкин.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Х. Кароматов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Мелибоев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаев, Ўзтелефармацевтика раиси А. Қўшимов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов, республика «Мазнавият ва маърифат» кенгашининг масъул котиби А. Болиев ва бошқалар муҳокама этилган масалалар ҳақида фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муслим НАМАЗ,
ЎзА мухбири.

Қунардек чопир нарсани экан дунёда. Мустақиллигимизнинг илк тантаналари бўлиб ўтган тўтти лаҳзалар худди кеча бўлгандек. Бугун эса ушбу табаруқ байрамнинг тўққиз йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Йиллар аргумоғи елапти. Одатда инсон маълум бир жабҳага борган ортга бир қайрилиш таъмин.

Тўққиз йил айтишга осон. Тўққиз йил кўнра тарих учун бир бор кийриқ қоққанчалик мўддат бўлиши мумкин. Лекин халқимиз учун ушбу йиллар ўзлигини таниш, оламга Ўзбекистон номи жаннатий юрт борлигини кўрсатиш учун қилинган мардонавор меҳнат дамлари бўлди.

Ватанимизни кезиб чикқан киши халқимизнинг бунёдкорлигига тан бермасдан иложи йўқ. Авваллари бир донга гишти ҳам марказдан сўраб қўядиган халқ бугун ўз қўли, ўз меҳнати, ақл-заковати билан бирдан бири қўрам меҳмонхоналар, боғлар, йўللар, «Қабул-Ўзбек текстил» сингари қўшма корхоналар, сув омборлари, Амир Темур йўли, Имом ал-Бухорий, Ахмад ал-Фарғоний каби алломулар номи билан аталган мухташам қўшоналар, Алпомиш Жалолдиннинг қўқулар хайкаллари бунёд этди. Айниқса, мустақиллик майдониди Мунгли она ёдгорлиги, Бўзсув соҳилидаги «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси халқимиз дилидаги асрий ҳасратларга малаҳ бўлди.

Мустақиллик энг аввало

биз учун нондек азиздир. Мустақиллик биз учун эртанги кун иштиёқида тўқилган манглай терларидир. Мустақиллик — оппоқ пахта хирмонлари-ю, олтиндай товланиб турган ғаллаимиздир. Буни санайверасак адо бўлмайди.

Мустақиллик — биз учун осмондан тушган неъмат

Эътиқод бизнинг халқимизнинг энг буюк фазилатларидан биридир. Шу сабабли уни ўзи танлаган тўғри йўлдан оздириш жуда қийин. Халқимиз нима учун меҳнат қилаётганини, нима учун истиқлолга фидойилигини, нима учун эртанги кунимиздан чексиз умидворлигини яқини билади. Биргина Тошкент вилояти ҳудудини кезиб чикқан киши ҳазрат Марғиноний ва Мо-турудийларнинг таваллуд қилари кенг нишонланади. Вилоятимизда яшаб ўтган шайх Умар Боғистоний, Шайхонанд Тоҳур, Хожа Аҳор Валий сингари алломуларимиз яратган буюк мерос яна йўлларимизни ёритмоқда.

Айни пайтда ўтган тўққиз йил буюк тантаналар билан бирга ҳазрат Марғиноний ва Мо-турудийларнинг таваллуд қилари кенг нишонланади. Вилоятимизда яшаб ўтган шайх Умар Боғистоний, Шайхонанд Тоҳур, Хожа Аҳор Валий сингари алломуларимиз яратган буюк мерос яна йўлларимизни ёритмоқда.

Мана шу ҳушёрлигимиз ўтган йилларда кўп бора синовлардан ўтди, тобланиди. Тўққиз йил. Одамлар юртимизга зўрағат келиб, амалга оширган ишларимизни кўриб, ҳайратга тушадилар. Ўзбек халқининг бунчалар фидойилигини таърифлашга сўз тополмай қол қолди.

Мустақиллик байрами — миллий ифтихор байрами. Бу ифтихор ҳамиша бизнинг қалбимизга ёр бўла-жан. Бу йил ҳам биртайд янги иншоотлар қад рост-лайди. Шу тариқа мустақил-лигининг ҳар бир йили ўзига хос ҳайкал қўйиб кел-моқда. Зеро тўққизинчи йилимизга аталган меҳнат-даги ғалабаларимиз, бунёд-корликларимиз ўзининг йилнинг мустақам пойде-вори бўлиб қолажан.

Мустақиллигининг яна бир буюк неъматидир биз номлар-ни тўла олишга журъат этил-маганимиз — Имом ал-Бухо-

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ТОВАРЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИГА ОЛИБ КЕЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Жисмоний шахслар томонидан ижтимоий аҳамият-га эга бўлган истеъмол товарларининг айрим турла-рини олиб келишни тарғибга солиш ва улар билан ички бозорни тўлдирish мақсадида Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Белгилансинки, жисмо-ний шахслар томонидан рес-публика ҳудудига тижорат фаолияти учун ун, ўсимлик мойи ва мол ёғи олиб ке-лишда жисмоний шахслар (ўзлари қатнаб олиб келади-

ган шахслар) томонидан олиб келинадиган товарлардан йи-гим божсиз олиб келишнинг белгиланган чекланган норма-лари қўлланган ҳолда амал-даги ставка бўйича улар бож-хона қийматининг 50 фоизи

миқдориди ундирлади. 2. Ўзбекистон Республика-си Давлат божхона қўмитаси тижорат фаолияти билан шу-ғулланувчи жисмоний шахс-лардан божхона тўловлари ва йиғимлари ундиршнинг бел-гиланган тартибига қатъий

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

Тошкент шаҳри,
2000 йил 8 июль.

риёя қилинишини таъминла-син. 3. Мазкур қарорнинг ба-жарилишини назорат қилиш Жумҳуриятнинг Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б. С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

И. КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ 2000 ЙИЛДА ҲЎЛ МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ МАРКАЗЛАШТИРИЛМАГАН ҲОЛДА ЭКСПОРТ ҚИЛИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сабзаовот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева ва узум мўл-қўл ҳолини сотиш учун қўлай шaroитларни шакллантириш, мева-сабзаовот маҳсулотларини соти-ш бозорларини кенгайтириш ва уларни экспорт-га етказиб беришни кўпайтириш, энг аввало, деҳ-қонлар ва қишлоқ ҳўжалиги товар етиштирувчи-ларининг етиштирилган маҳсулотларини сотиш учун зарур шaroитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жисмоний ва юридик шахслар — Ўзбекистон Рес-публикаси резидентлари томонидан сабзаовот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева ва узумни республика ташка-рисига чиқаришнинг 2000 йил 10 июлдан 1 октябрга-ча бўлган даврга мўлжал-ланган вақтинчалик тартиби (1-илова) тасдиқлансин. Унга кўра 2-иловада кўрсати-лган мева-сабзаовот маҳсулот-лари экспорт қилинади.

2. Белгилансинки:

жисмоний ва юридик шахс-лар — Ўзбекистон Респу-бликаси резидентларининг ушбу қарорга 2-иловада кўрсати-лган ўзлари етиштирган ҳўл мева-сабзаовот маҳсулотлари-ни, шу жумладан бартер асо-сида, республика ташкарис-га чиқариш учун Қорақалпо-ғистон Республикаси Вазир-лар Кенгаши, вилоятлар, ша-ҳарлар ва туманлар ҳоким-лиқларининг тегишли рухсато-маларини олиши 2000 йил 1 октябргача бўлган даврга та-

лаб қилинмайди; контракт шартларидан ке-либ чиқиб, ҳўл мева-сабзаовот маҳсулотларини юридик шахс-лар — Ўзбекистон Респу-бликаси резидентлари томонидан марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилиш олдидан тўлиқ ва қисман ҳақ тўлаш асо-сида, консигнация шартлари-да ва бартер асосида амалга оширилиши мумкин; 2-иловага мурофиқ ҳўл мева-сабзаовот маҳсулотлари-ни бартер асосида марказ-лаштирилмаган ҳолда экспорт қилиш, истисно тариқасида, валюта тўшумининг бир қис-мини ваколатли банкларга мажбурий сотмасдан амалга оширилади.

3. Ўзлари етиштирмаган ҳўл мева-сабзаовот маҳсулот-ларини республика ташкари-

сига чиқарувчи юридик шахс-лар учун Вазирлар Маҳкама-сининг 1998 йил 6 август-даги 338-сон қарори билан белгиланган ҳўл мева-сабза-овот маҳсулотларини марказ-лаштирилмаган ҳолда экс-порт қилиш тартиби сақлаб қолинсин. 4. Белгилансинки, консиг-нация ва бартер шартларида етказиб берилган ҳўл мева-сабзаовот маҳсулотлари учун узиш-кесил молиявий ва мод-дий ҳисоб-китоблар маҳсулот оқлаб жўнатишдан қўндан бошлаб 90 қўндан кечикмай амалга оширилиши керак. Консигнация шартларида тузилган контрактлар бўйи-ча валюта маблағлари ўз вак-тида тўшмаганилиги ва бар-тер шартларида тузилган кон-

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

«КИБРАЙ» ЧОРЛАЙДИ

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари-нинг 600 нафардан зиёд фарзандлари оромгоҳ-ларда ҳордиқ чиқаради. Тошкентдаги 2-темирйўл мактаб-интернатининг 10 нафар ўқувчисига ҳам бепул йўлланма берил-ди. Улар ҳозир Тошкент



Ахбар АЛИЕВ.

СОВҒАГА ДАРСЛИК

Янгийўл шаҳар мактаб-ла-рини янги ўқув йилига тай-ёрлаш ишлари қизгин бор-моқда. Шаҳардаги йирик саноат корхоналари қатори-да Янгийўл китоб фабрика-си ҳам бу ҳайри ишга яқин-дан ёрдам берапти. Бу корхона 6-мактабни ўз оталигига олган. Билим дар-гоҳи билан фабрика ўртаси-да тузилган ўзаро ҳамкор-лик шартномаси бўйича мак-табда жисмоний тарбия иш-ларини яхшилаш тадбирла-ри қўйилапти. Корхона жа-моаси яна бир қимматли ишга қўл урди. Ўқувчилари



Али АҚБАРОВ.

КЕЛИНЛАР РОЗИ БЎЛИШДИ

Қибрай тумани хотин-қиз-лар қўмитаси ташаббуси ва сазй-ҳаракатлари туфайли «Соғлом авлод йили» дасту-рига асосан «Энг ибратли қайнона» қўриқ-танлови ўтказилди. Ана шундай тадбирлардан бири «Лимончилик» ширкат ҳўжалигида бўлиб ўтди. Тан-ловда Салор шаҳарчасида истикомат қиладиган энг на-мунали қайноналар иштирок этишди. Маҳалла келинларидан иборат нуфузли танлов ҳай-атининг қарорига кўра «Ис-ломобод» маҳалласида яшов-чи қайнона — Лола Умархў-



Камола МИРЗААХМЕДОВА.

АНЖУМАН БОҒЧАДА ЎТДИ

Оққўрғондаги 8-болалар боғчасида «Соғлом авлод келажагимиз меvasи» мавзу-ида мактабгача тарбия муас-сасалари ҳодимлари иштиро-кида вилоят-семинар кенга-ши бўлиб ўтди. «Соғлом авлод йили» му-носабати билан ўтказилган бу семинар йиғилиш иштиро-килари тумандаги энг яхши боғчанинг ибратли ишлари билан яқиндан танишди. Бу ерда болалар томони-дан ушштирилган турли-ту-ман қизқарлиқ уйлар, кич-кинтойлар ижро этган шеър, қўшиқ ва қўйлар йиғилган-лар қалбиди илиқ таассурот



Ўз мухбиримиз.

бунинг ниш-
каси, ёр ке-
учун тавар-
алмай қолиб
кан. Бўлма-
ерни ўз йил
тлаштириб
ин тақдир
вобгар. Ко-
ўзғори учун
и, ерни вақ-
орасини ал-

